



ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ
“DENOV VINO AROQ” АЖ (адресат) реквизитлари:

№ 37

120600, Сурхандарё вилояти, Денов тумани, Ш.Рашидов кучаси 261-уй; СТИР-200 479 972; Uz.R.TIF Milliy bank Denov bo'limi; МФО-00845; х/р: 2021 0000 5004 2584 2001; Тел;8 (376) 413-53-82.

"OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

100000, Тошкент ш. Юнусобод т., А.Темур 1-тор кўчаси 2-уу, Tel: 236-11-60, 236-24-32, osiyo-audit@mail.ru, 00124-сонли 29.02.2008 йилдаги Молия Вазирлиги томонидан берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш лицензияси; 11.08.1998 йилдаги 517-сонли гувоҳнома, АТИБ Ипотекабанк Мехнат бўлими х/р 20208000503945832001, СТИР 202629997, МФО 00423.

MChJ "OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти аудитори, директор - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 08 январь 2008 йилда берилган № 04504-сонли аудитор малака сертификатига эга Исмаилов Адилбек Матчанович.

Мен MChJ "OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти аудитори "DENOV VINO AROQ" АЖ нинг "Бухгалтерия баланси"-1-шакл, "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот"-2-шакл, "Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот"-4-шакл; "Ўз сармоёси тўғрисидаги ҳисобот"-5-шакл; Тушунтириш хатидан иборат 2017 йил (1 январдан 31 декабргача) ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини 01.03.2018 йилдаги 37-шартнома асосида мажбурий аудит текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

"DENOV VINO AROQ" АЖ нинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

MChJ "OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "DENOV VINO AROQ" АЖ илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далиллари олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект "DENOV VINO AROQ" АЖ нинг молиявий ҳисоботи 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Директор

Аудитор

2018 йил "11" апрел



А.Исмаилов

А.Исмаилов